



*Маънавият тарғиботчисига ёрдам*

**Б. ИСРОИЛОВ,  
Г. МАШАРИПОВА**

# **АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ**



РЕСПУБЛИКА МАЪНАВИЯТ ТАРҒИБОТ МАРКАЗИ

**Б. ИСРОИЛОВ  
Г. МАШАРИПОВА**

**АЖДОДЛАР МЕРОСИ  
ВА МАЪНАВИЙ  
ТАРБИЯ**

ТОШКЕНТ «МАЪНАВИЯТ» 2015

УЎК: 32.019.5

КБК: 87,7

И 82

**Исроилов Б.**

И 82 Аждодлар мероси ва маънавий тарбия / Б. Исроилов, Г. Машарипова; масъул муҳаррир Қ. Куранбоев; Республика маънавият тарғибот маркази. – Тошкент: «Маънавият», 2015. – 32 б.

ISBN 978-9943-04-247-6

Ушбу рисолада қомусий алломаларимиз меросининг ёнлар маънавиятига таъсири, уларнинг меросидан ғурурланиш, вори-сийлик, шукроналик, ўтмиш меросимизнинг қанчалик бой экани тўғрисида сўз юритилади. Шунингдек, мерос ва уни атрофлича чуқур таҳлил этиш, унинг фақат ўзимизга маъқул, ижобий томонлари билан чекланиб қолмасдан, мураккаб жихатларини ўрганишда қўлланма ҳар томонлама қўл келади.

Рисола кенг китобхонлар оммасига мўлжалланган.

УЎК: 32.019.5

КБК: 87,7

**М а с ъ у л м у ҳ а р р и р:**  
*сиёсий фанлар доктори Қ. Куранбоев*

**Т а қ р и з ч и л а р:**  
*фалсафа фанлари номзоди Ш. Аъзамхўжаева*  
*фалсафа фанлари номзоди Д. Ортиқова*

ISBN 978-9943-04-247-6

© «Маънавият», 2015

---

## КИРИШ

Мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин қисқа вақт ичида иқтисодий, ижтимоий-сиёсий ва маънавий-маърифий соҳаларда жуда катта ютуқлар қўлга киритилди. Бу ютуқлар Республика-миз Президенти Ислоом Каримов томонидан ишлаб чиқилган демократик жамият қуришни ўзида ифода эттирувчи бозор муносабатларига асосланган концепциянинг ҳаётийлиги билан боғлиқдир. Бугунги кунда концепциянинг тўғрилигини жаҳондаги йирик сиёсий арбоблар томонидан эътироф этилиши Ўзбекистон-нинг обрў-эътиборини оширмакда.

Президентимиз таъкидлаганидек: «Маънавияти-мизга қарши қаратилган ҳар қандай ҳуруж – бу миллатимизни миллат қиладиган, асрлар, минг йиллар давомида аجدодлардан авлодларга ўтиб келаётган ўзига хос ва ўзига мос хусусиятларга, миллий ғурур, миллий ифтихор туйғусига, бизни доимий равишда тадрижий таракқиётга чорлайдиган, шу йўлдаги барча асорат ва иллатлардан халос бўлиб, озод ва фаровон ҳаёт барпо этишдек эзгу мақсадларимизга катта зарба берадиган мудҳиш хавф-хатарларни англагади»<sup>1</sup>.

Тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтишда «ўзбек модели»нинг ўзига хос томонларидан бири – мавжуд муаммолар ва ўтиш даврида пайдо бўладиган янги муаммоларни ҳал этишда аجدодларимиз қолдирган ул-

---

<sup>1</sup> **Ислоом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т: «Маънавият», 2013, 14-б.

кан маънавий меъросга, халқимизнинг ўзига хос урф-одатлари, анъаналари, кадриятларига таяниш ва улардан кенг фойдаланишга асослангандир.

Президентимиз 1992 йилдаёқ: «Олдин одамларга моддий бойлик бериш, сўнгра маънавият тўғрисида ўйлаш керак, деганлар ҳақ бўлмасалар керак. Маънавият – инсоннинг, халқнинг, жамиятнинг, давлатнинг куч қудратидир», – деб таъкидлаган эди.

Дарҳақиқат маънавият – жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан биридир, чунки маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз Ислом Каримов мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. Аждодларимиз яратган маънавий ва маданий бойликлар миллат маънавиятини шакллантирадиган асосий мезон экан, қадимдан то бугунги кунгача бўлган даврдаги аждодларимиз қолдирган маънавий ва маданий бойликларни ўрганиш энг долзарб муаммолардан биридир.

## ХАЛҚ ОҒЗАКИ ИЖОДИ – МИЛЛАТ МАЪНАВИЯТИ

Минтака халқларининг энг қадимги ёзма мероси «Авесто»дир. Ушбу бебаҳо маънавий меросимизда «борликнинг яхлитлиги ва бир бутунлиги, инсон ҳаётининг табиат билан уйғунлиги масаласи одамнинг рухий оламига чамбарчас боғлиқ ҳолда кўрсатилганлиги хақида сўз боради. Айниқса, ундаги улуғ ахлокий тамойил «эзгу фикр, эзгу сўз, эзгу амал» бирлиги бугунги кунимизда ҳам маънавий аҳамиятини тўлиқ сақлаб келаётганлиги эътиборга лойиқдир.

Маълумки, юртимизда илк шаклланган яхлит маънавий тизими «Авесто» китобида ўз аксини топган ва мустақиллик шарофати билан ўзбек тилига тўлиқ таржима қилиниб нашр этилган. Бир пайтлар муқаддас «маздаясна» динига асос бўлган бўлса, бугун биз унга йирик адабий ёдгорлик сифатида қараймиз. «Авесто» матнлари шаклланган, йиғилган ва қайта йиғилган даврлар асотир тафаккур даври бўлгани сабабли баён этилган маънавий қадриятлар тизими кейинчалик бошқа юртларга тарқалиб, турли сиёсий, ғоявий таъсирлар остида кўп жойларида мушриклик ақидалари билан чалкашиб кетди. Масалан, Зардуштийлик тилга олинган 7 амшосипандлар моҳиятига эътибор қаратадиган бўлсак, қадим авесто тилида **Спинта Майню** (Сипанд Мийну) – «тафаккур олами», **Ашах Ваҳишта** (Ардабехешт) – «гўзал ҳақиқат», «мукаммал низом», **Вухувмана** (Баҳман)– «эзгу ният», **Спинта Ормаитий** (Испандормаз) – «комил ақл», **Зашра Вайраях**

(Шахриёр) – «умид дунёси», **Амирмитота** (Амурдод) – «умрбоқийлик», «абадият», **Хавраватот** (Хўрдод) – «комиллик», «тўғрилиқ» маъноларини англатиб келган. Кейинчалик қоҳинлар талқинида буларнинг ҳар бири илоҳий хилқат сифатида тасаввур қилиниб, уларга сиғиниш коидага айланган, яъни Зардушт даъватидаги ягона Парвардигор – Ахура Мазда (илоҳий билим эгаси, маъносида)га эътиқод қилиш ўрнига юқоридаги каби маънавий қадриятларни илоҳлар, яъни сиғиниш объектларига айлантириш ҳолати юз берган.

Ислом дини бу соҳада масалани ойдинлаштирди. Қуръони каримнинг нозил бўлиши билан умумбашарий миқёсда узил-кесил асотир тафаккурдан илмий тафаккурга ўтишнинг эътиқодий асослари мукамал тус олди. Кейинроқ бориб маънавиятга оид фанларнинг умумметодологик – билимлар уйғунлиги мустақкам пойдеворга эга бўлди.

Президент Ислом Каримов ўз асарида «маънавиятнинг юксалиши билан чамбарчас боғлиқ бўлган яна бир мезон» – ислом дини ҳақида махсус тўхталиб ўтишни зарур, деб ҳисоблайди. Чунки, «кўп асрлар мобайнида халқимиз қалбидан чуқур жой олиб, ҳаёт маъносини англаш, миллий маънавиятимиз ва турмуш тарзимизни, қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни безавол саклашда муқаддас динимиз қудратли омил бўлиб келаётганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Нега деганда, инсонийлик, меҳр-оқибат, ҳалоллик, охирагга ўйлаб яшаш, яхшилик, меҳр-шафқат сингари халқимизга мансуб бўлган фазилатлар айнан шу заминда илдиз отади ва ривожланади»<sup>1</sup>. Бу сўзни давом эттириб: «... халқимизнинг маънавиятини шакллантиришга, ҳар қайси инсоннинг Оллоҳ марҳамат қилган

---

<sup>1</sup> **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2013, 36-б.

бу ҳаётда тўғри йўл танлаши, умрнинг мазмунини англаши, авваламбор, руҳий покланиш, яхшилик ва эзгуликка интилиб яшашида унинг таъсирини бошқа ҳеч қандай куч билан қиёслаб бўлмайди»<sup>1</sup>.

Бизнинг энг қадимий аجدодларимиз маънавияти ва маърифати ҳақидаги маълумотлар асрлардан асрларга ўтиб ҳозиргача миф, афсоналар ва қадимий ёзувларда сақланиб келинмоқда. Ўрта Осиё халқларининг қадимий миф ва афсоналари турли мавзуларда бўлган. Чунончи, космогоник мифлар, ҳайвонлар ва қушлар ҳақидаги мифлар, худолар ва афсонавий қаҳрамонлар ҳақидаги мифлар бўлиб, уларда яхшилик, бахт-саодат, қуёш нури ва иссиқлик, ёмонлик, бахтсизлик, зулмат ва даҳшатли совуққа қарама-қарши қўйилган. Шу асосда бахт ўлкаси ва бахтсизлик ўлкаси деган мифлар юзага келган. Яхшилик ва ёмонлик кучлари ўртасидаги кураш мифологик образлар Митра, Анахита, Каюмарс, Йима (Жамшид), Эликбек ва бошқалар образида мужассамлаштирилган. Булар ҳақидаги мифлар зардуштийликнинг «Авесто» китобига ҳам кирган.

Митра – қуёш худоси. У кишиларга нур, иссиқлик, бахт-саодат бахш этади. Шу билан бирга у яхши қуролланган бўлиб, душманларга қарши даҳшат солади, кишиларни офатдан қутқаради. Митра битмас-туганмас кучга эга бўлган паҳлавон сифатида тасвирланган. У душманга қарши шафқатсизлик билан жанг қилади ва уни маҳв этади. Митра – ўтда қуймас, сувда чўкмас, ўқ ўтмас қаҳрамон.

Каюмарс ҳақидаги миф ҳам «Авесто»га тааллуқли. Мифологияга кўра Каюмарс ер юзиде пайдо бўлган биринчи одам бўлиб, гўё у Ахура Мазда (Хурмуз) томонидан яратилган ва икки вужуддан: хўкиз ва одамдан таш-

---

<sup>1</sup> **Ислом Каримов.** Юксак маънавият – енгилмас куч. – Т.: «Маънавият», 2013, 36-б.



кил топган. Инсониятнинг ашаддий душмани бўлган Ахриман Каюмарсни ўлдиради. Каюмарс танасининг хўкиз қисмидан 55 хил дон, 12 хил ўсимлик, сигир ва хўкиз, улардан эса 272 хил фойдали хайвонлар пайдо бўлади; тананинг одам қисмидан эса эркак ва аёл жинси ҳамда металл вужудга келган деб тасвирланади.

Йима (Жамшид) ҳақидаги мифда кишилар учун нажоткор ҳукмрон образи тасвирланган.

Шундай қилиб, юқоридаги каби халқ оғзаки ижоди – мифларида халқ нажоткори ва халоскори тасвирланади, кишиларнинг маънавий ғалабаси ва ўз келажагига ишончи тасвирланган.

Халқ оғзаки ижодида мифологик образлар билан бирга афсонавий қаҳрамонлар образи ҳам юзага келган. Бу қаҳрамонлар кишиларнинг осойишталиги ва бахт-саодати учун курашиб, фидокорлик кўрсатадилар. Чунончи, Гершасп ва Эликбек ҳақидаги афсоналарда аждар ва жинларни енгган, ўлимдан кўрқмас, мард, баҳодир, кишиларни ҳалокатдан қутқарувчи қаҳрамонлар образи тасвирланган.

Қадим Ўрта Осиё аҳолиси яратган оғзаки адабиёт ёдгорликлари орасида қаҳрамонлик эпоси катта ва муҳим ўрин тутди. Уларда халқимизнинг босқинчиларга қарши ватанпарварлик кураши асосий ўринни эгаллаган. Чунончи, Тўмарис, Широқ, Зарина, Рустам, Сиёвуш ҳақидаги халқ оғзаки эпосларида ватанпарвар ва фидокор баҳодирларнинг монументал образлари яратилган.

«Тўмарис» эпосида Ўрта Осиё аҳолисининг босқинчиларга, хусусан, эрамиздан аввалги VI асрда бу ўлкага бостириб кирган Эрон аҳмонийлари шоҳи Кирга қарши массагет қабилаларининг қаҳрамонона кураши акс этган. Кир қўшини тор-мор этилиб, унинг ўзи э.а. 529 йилда жанг майдонида ўлдирилади, калласи

танасидан жудо этилиб, қон билан тўлдирилган мешга солинади.

«Широқ» эпоси ҳам Ўрта Осиё халқларининг босқинчиларга қарши қаҳрамонона курашини акс эттиради. Ватанпарварлик ва жасорат, ватан ва ўз халқи бахтсаодати йўлида фидойилик қилишга шай, тайёр туриш каби юксак маънавийлик сак қабиласининг чўпони Широқ тимсолида гавдаланган.

Юқоридаги ҳар иккала халқ оғзаки ижоди намуналари заминиди ҳақиқий тарихий фактлар ётади.

Тўмарис ва Широқ халқ қаҳрамони бўлиб, ўз халқи, Ватани учун жонини ҳам аямайдиган буюк ва бетимсол мардлик ва жасорат намунаси саналади.

Қадимий туркий тилда яратилган ёзма ёдгорликлардан бизгача Ўрхун - Енисей ва уйғур тилидаги ёдгорликлар сақланиб қолган. Ўрхун - Енисей ёдгорликлари V–VIII асрларга мансуб бўлиб, улардан Кул-Тегин, Билка-қоон, Тунюкук қабр тошларига ўйиб ёзилган ёзувлар, айниқса, аҳамиятлидир. Бу ёзувларни туркий-рун ёзуви ҳам деб юритилади. Рун ёзуви – «яширин», «сирли» ёзув демақдир. Чунки, уларни анча вақтгача ўқишнинг иложи бўлмаган.

Кул-Тегин Билка-қоон (улуғ ҳоқон демақдир)нинг укаси бўлиб 732 йили вафот этган. У урушларда зўр қаҳрамонликлар кўрсатган. Кул-Тегин қабр тошида Билка-қооннинг тилидан айтилган жудолик қайғуси марсияси бадий тил воситасида ифодаланган. У ўз укасининг вафотидан жуда қайғуга тушади. Чунончи: «агар Кул-Тегин бўлмаса эди, ҳаммангиз ҳалок бўлур эдинглар. Менинг иним Кул-Тегин ўлди, мен каттик қайғурдим, кўрар кўзларим ожиз бўлди, ақл-фаҳмим ўтмас бўлиб қолди, ўзим қайғурдим. Қисматни кўк само (худо) тақсим қилади, одам боласи ўлиш учун туғилган».... каби сўзлар ёзилган.

Кул-Тегин қабр тоши ёзуви турк хоконлиги давлатининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти, қабила ва халқларнинг урф-одатлари, тили ва мафқураси билан таништирувчи манбадир.

Марказий Осиёда маънавият билан бирга маърифат ҳам ривожланган. Маърифат ривожининг исботи сифатида бу ўлка халқларининг ёзувини кўрсатиш мумкин. Эрамиздан аввалги биринчи мингйиллик ўрталарида оромий, грек ёзувлари, форсий миҳхат мавжуд бўлган. Кейинроқ авесто, хоразм, суғд, кушон, рун (Ўрхун - Енисей), уйғур ёзуви келиб чиққан.

Қадим Ўрта Осиёда астрономия, геометрия, геодезия, математика, физика, медицина фанлари ривож топган. Бизга қадар сақланиб қолган суғд календари ва Беруний асарларидаги маълумотлар бу ўлкада, айниқса, астрономия фани ривожланганидан дарак беради.

Ўрта Осиё халқлари жуда қадим замонлардаёқ суғориш иншоотлари курганлар, каналлар очганлар, чиғир ва кориз усули билан сувсиз ерларга сув чиқарганлар. Албатта булар кишилардан маълум тажриба ва билимни талаб этган.

Шундай қилиб, бизгача етиб келган маълумотларга асосланиб, Марказий Осиё қадимдан маданият, маънавият ва маърифат ўчоқларидан бири бўлган дейиш мумкин.

## КОМУСИЙ АЛЛОМАЛАРИМИЗ МЕРОСИНИНГ ЁШЛАР МАЪНАВИЯТИГА ТАЪСИРИ

Инсоният доимо яхшиликни ёклаб, ёмонликка қарши курашади, яратувчанлик ва бунёдкорлик унга хос бўлган буюк фазилатлардир. Шарқ халқларининг буюк ижодкорлиги, бунёдкорлиги ва қадриятлари турли даврлар таъсирида Ғарбга, хусусан, антик Юнон-Рим маданиятига ҳам кучли таъсир кўрсатди.

Масалан, Александр Македонскийнинг устози шоғирди Осиёни маҳф этгач, унга юборилган «Авесто» китобини чуқур ўрганган қадимги юнон файласуфи ва комусий олими Арасту (Аристотель, мил. ав. 427–348 йй.) ўз ғояларини бойитди ва унга муҳим ўзгартиришлар киритди. У жамиятда бўлиб ўтаётган барча воқеликларни табиатга хос деб биледи. Бу билан жамиятни тубдан ўзгартириш ғояларига қарши чиқиб, унинг ривожини табиий жараёнлар тарзида кечиши керак, деб ҳисоблайди.

Афлотун эса ғоялар умумий тушунчалар сифатида одам ақлига боғлиқ эмас, балки у илоҳий тушунчалар, деб изоҳлаган. Унинг асосий ғояси – эзгулик ёки ягоналик эди. Бунда олий ғоя кўпинча худога тенглаштирилди. Бу файласуфнинг устози бўлган Сукрот (Сократ, мил. ав. 470–399 йй.) эса баҳс орқали, яъни муайян масалаларни ўртага қўйиш ва уларга жавоб топиш йўли билан ҳақиқатни аниқлаш мумкин, деб билган. У эзгулик, билим ва донишмандликдир, яхшилик моҳиятини тўғри англаган инсонгина яхшилик қилади, деб тушунтиради. Сукрот адолатга хилоф бўлган давлат бошқарувининг ҳамма шаклларини танқид қилади,

фақатгина адолатли демократик давлат бошқарувини ёқлаб чиқади.

Ислом фалсафасида ва ҳадисларда табиатни асраш, илм олиш, одабийлик, ватанпарварлик, ҳалоллик, руҳий поклик, раҳм-шафқатли, меҳр-оқибатли ва адолатли бўлиш, ота-онани ва аёлни улуғлаш тўғрисидаги эзгулик ғояларини тарғиб қилувчи ғоялар бугунги кунда ҳам ўз аҳамиятини сақлаб қолмоқда. Ҳадислардаги «Илмга нисбатан гўё чўпон каби посбон бўлинглар, лекин илмни фақат ривоят қилувчи бўлманглар», «Илм ўрганиш ҳар бир мўмин учун фарздир», «Ёшликда олинган илм тошга ўйилган нақш кабидир», «Бир-бирларингизга хайр-эҳсонли, меҳр-оқибатли бўлиб, қўл бериб сўрашиб юринглар, шунда дилларингиздаги ғаму ғашлик кетади», «Ватанни севиш имондандир», «Ватан саждагоҳ каби муқаддасдир», «Бир-бирларингизга эҳсон қилинглар, чунки эҳсон дилдаги муҳаббатни оширади», «Жаннат оналар оёғи остидадир», «Аввало онангга, яна онангга ва яна онангга, сўнг отангга яхшилик қил», «Сизларнинг яхшиларингиз ахлоқи ёқимли бўлганларингиздир», «Экмак ниятида қўлингизда кўчат турган пайтда беҳосдан қиёмат қойим бўлиб қолиши аниқ бўлганда ҳам улгурсангиз уни экиб қўяверинг»<sup>1</sup>, деган даъватларда эзгулик ва инсонпарварлик ғоялари мужассамлашган.

Шарқда, яъни Турон заминида эса жамият ривожини ва бунёдкорлик ғоялари хусусида Абу Наср Форобий, Ибн Сино, Алишер Навоий қарашлари ўзига хос ўрин тутди. «Ал-муаллим ас-Соний» («Иккинчи муаллим»), Шарқ Аристотели деб ном олган Абу Наср Форобий (873–990 йй.) ўзининг «Фозил одамлар шаҳри»,

---

<sup>1</sup> **Имом Бухорий.** «Ал – Адаб, Ал- Муфрад, – Т.: «Ўзбекистон» 1990, 46–90–93–116-бетлар; Ахлоқ- одобга оид ҳадис намуналари – Т.: 1990, 32–68–90-б.

«Фукаролик сиёсати», «Бахт-саодатга эришув ҳақида» каби асарларида олижаноб жамият, адолатли тузум ҳақидаги ўз фикр-мулоҳазаларини баён қилиб, ўз даври учун изчил таълимот яратди.

У ҳар томонлама етук, барча аҳолини бахт-саодатга, илм-маърифатга олиб боровчи юксак ахлоққа эга идеал жамоа ҳақидаги ғояларни олға сурди.

Абу Наср Форобий: «Инсоннинг моҳияти ҳақиқий бахт-саодатга эришув экан, инсон бу мақсадни ўзининг олий ғояси ва истагига айлантириб, бу йўлда барча имкониятлардан фойдаланса, у бахт-саодатга эришади»<sup>1</sup>, – деб алоҳида таъкидлаган. Ўша даврнинг буюк мутафаккирлари Абу Райҳон Беруний ва Абу Али ибн Синнинг бу борадаги қарашлари ҳам ўзига хосдир.

Буюк мутасаввуфлар: Хожа Юсуф Ҳамадоний, Аҳмад Яссавий, Абдулҳолик Ғиждувоний, Баҳоуддин Накшбанд, Нажмиддин Кубро; муҳаддислар: Имом Бухорий, Имом Термизийларнинг таълимотларида акс этган комил инсон ғоялари, адолат ҳақидаги қарашлари жамиятнинг соғлом маънавий-ахлоқий руҳини сақлаш ва мустаҳкамлашга хизмат қилди. Бу ғоялар Ватан ва халқ манфаати йўлида фидойилик ва инсонпарварликни улуғлади.

Эзгу ғоялар Маҳмуд Қошгарий, Юсуф Хос Ҳожиб, Аҳмад Югнакий, Лутфий, Абдурахмон Жомий, Алишер Навоий, Жалолиддин Румий, Мирзо Абдулқодир Бедиллар ижодида чуқур ўрин эгаллади ва бу давлатчиликнинг ривожланишида муҳим омил бўлиб хизмат қилди. Билим ва ақл-идрок орқали эзгу ишлар қилиш тўғрисида Юсуф Хос Ҳожибнинг қуйидаги фикрлари эътиборга молик. «Табиат кимга заковат, ақл-идрок,

---

<sup>1</sup> Абу Наср Форобий. Фозил одамлар шаҳри. –Т.: Абдулла Кодирий номидаги халқ мероси нашриёти, 1993, 188-б.

билим берса, у эзгу ишлар қилишга қўл уради»<sup>1</sup>, – деб ёзган эди «Қутадғу билиг» (XI) асарида. Амир Темурнинг «Темур тузуклари», Низомулмулкнинг «Сиёсатнома» китобларида давлат идораси ва аҳли фукарога муносабатда адолат, инсоф, диёнат, эл-юрт тинчлиги ва ободлиги бош ғоя сифатида илгари сурилди.

Бу ғоялар Темурийлар давлати тамойилларининг устувор йўналиши эди. Амир Темурнинг бунёдкорлик ғоялари ва амалий фаолияти катта аҳамиятга эга бўлиб, унинг асосий мақсади бунёдкорлик ва яратувчилик эди. Жумладан, у «Темур тузуклари»да: «Агар фукародан бирининг уй иморати бузилиб, тузатишга қурби етмаса керакли ускуналарни етказиб бериб, унга ёрдам берилсин», деб кўрсатма беради. Шу ўринда, Юртбошимизнинг: «Амир Темур ўз давлатини ақл заковат ва ҳуқуқий асос билан идора этган десак адолатдан бўлади», – деган фикрлари ниҳоятда ўринлидир. Зеро, Соҳибкирон ўз бунёдкорлик мақсадига эришиш учун собитқадамлик билан ҳаракат қилган. «Темур тузуклари»да ёзганидек, «Бирор ишни бажаришни ўйласам бутун зехним, вужудим билан боғланиб, битирмагунимча ундан қўлимни тортмадим»<sup>2</sup>, – деган сўзлари бугун ҳам ибратлидир.

Шарқ фалсафий, ижтимоий, ахлоқий фикри ривожини Абу Наср Форобийсиз (873–950) тасаввур этиш қийин. У «Шарқ Аристотели», «Иккинчи муаллим» деган унвонга сазовор бўлган машҳур мутафаккирдир. Шарқда қадим Юнонистоннинг энг машҳур файласуфи Аристотель «Биринчи муаллим» деб юритилган. Форобий кўп тилларни билган қомусий олим. У яратган асарларнинг умумий сони 160 та бўлиб, уни икки гуруҳга ажратиш мумкин: а) қадимги Юнон файла-

<sup>1</sup> Қадимги ҳикматлар. – Т.: Адабиёт ва санъат, 1987, 94-б.

<sup>2</sup> Темур тузуклари. –Т.: Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, 1996, 70-б

суфлари ва табиатшунослари – Аристотель, Платон, Евклид, Гален ва бошқаларнинг илмий меросларини таржима қилиш, шарҳлаш, тарғиб қилиш ва ўрганишга бағишланган асарлар; б) ўрта аср фанининг табиий, ижтимоий-фалсафий соҳаларига оид рисолалар. Жумладан, «Аристотельнинг «Метафизика» асарига изох», «Аристотельнинг «Осмон системаси» китобига изох», «Аристотельнинг «Этика» китобига шарҳ», «Субстанция ҳақида сўз», «Масалалар манбаи», «қонунлар ҳақида китоб», «Бўшлиқ ҳақида китоб», «Музыка ҳақида сўз», «Фозил шаҳар аҳолисининг қарашлари» ва бошқаларни кўрсатиш мумкин. Форобийнинг фикрича, инсоннинг ва жамоатнинг ғалабага эришуви, яхшиликни қўлга киритиши, ахлоқий ва ақлий мукамалликка кўтарилиши инсон ва жамоатнинг ўз қўлидадир.

У давлатни фозил ва жоҳил давлатларга бўлади. Фазилатли шаҳарларда илм, фалсафа, ахлоқ-маърифат биринчи ўринда бўлмоғи лозим, деб билади. Шунда жамият етукликка эришади, дейди. Фозил шаҳар бошлиғи билимни, ҳақиқатни севувчи, ёлғон ва ёлғончиларга нафрат билан қараши, адолатни яхши кўрувчи ва адолат учун курашувчи бўлиши керак, деб айтади. Форобий инсоннинг камолоти учун хизмат қилган, хайр-эҳсонли ишлар, гўзал инсоний фазилатларни яхшилик, деб ҳисоблайди. Инсоннинг камолотига тўсқинлик қилувчи дангасалик, бекорчилик каби ёмон одатлар, билимсизлик, онгсизлик, касб-ҳунарга эга бўлмаслик каби нуқсонларни ёмонлик, деб кишиларни ундан огоҳлантиради.

Хоразмлик буюк олим Абу Райҳон Беруний (973–1048) жаҳон фани тарихида энг машҳур сиймолар қаторидан жой олган, ўз давридаги деярли ҳамма фанларга катта ҳисса қўшган, машҳур қомусий илм соҳиби, йирик табиатшунос ва файласуфдир. У ўз умри давомида 150 дан ортиқ асарлар яратган. Шулардан



энг машхурлари «Қадимги авлодлардан қолган ёдгорликлар», «Маъсуд қонуни», «Ҳиндистон», «Геодезия», «Минералогия», «Сайдана» ва бошқалардир. Гарчи Беруний фалсафий-ахлоқий масалаларга оид махсус асар ёзмаган бўлса-да, аммо кўпгина асарларида бу масала ҳақида фикрлар баён этган.

Беруний халқлар ўртасидаги дўстликни ва илмий ҳамкорликни юксак қадрлайди. Бир неча йил Ҳиндистонда яшаган 45 ёшли олим қадимги ҳинд-санскрит тилини ўрганиб, бу тилга Эвклиднинг «Элементлар», Птоломейнинг «Алмажистий» асарларини таржима қилди ва ҳинд олимларини юнон илми ва фалсафаси билан таништирди. Ўзи эса ҳиндларнинг илми, адабиёти, фалсафаси ва ахлоқини ўрганди. Бу ҳақда Берунийнинг ўзи шундай деб ёзади: «Ўзимни... уларнинг мунажжимлари ҳузурида, устоз ҳузурида турган шогирддек таъзим билан тутар эдим... Сўнг ҳисоб илмининг ҳақиқий йўлларини уларга равшанлантирадиган бўлдим... уларнинг катталари мени ўз тиллари билан «Дарё» деб мақтар эдилар».

Беруний фикрича, кишилар учун дунёда турли ҳоллар бор. Бу мақталувчи – яхшилик ва қораланувчи – ёмонликдир. Мақталувчи яхши ҳоллар бўлиб, уларнинг таянчини поклик ва тозалик деб кўрсатади.

Беруний ўз даврининг энг кўзга кўринган илм-фан ҳомийси эди. У мамлакат равнақини фан, маърифат равнақида кўрган. Илм-фан, маърифат саҳоватли хизматни ўташи мумкин деб ҳисоблади. У шундай ёзади: «Менинг бутун фикри-ёдим, қалбим – билимларни тарғиб қилишга қаратилган, чунки мен билим орттириш лаззатидан баҳраманд бўлдим. Буни мен ўзим учун катта бахт деб ҳисоблайман».

Инсоннинг олий фазилати бошқалар, айниқса, камбағаллар ҳақида ғамхўрлик қилишдан иборатдир. Беруний доимо халқларнинг дўст, иноқ, иттифоқ бўлиб

яшаши учун курашиб келди. У инсониятга, у яратган маданиятга киргин келтирувчи урушларни коралади. Беруний маданий ҳамкорлик ва илм-маърифатнинг кенг тарқалишига катта эътибор берган алломадир.

Жаҳон маданияти ва маърифатига катта ҳисса қўшган, Шарқ ва Европада «Шайх-ур раис – олимлар бошлиғи» унвонига эга бўлган аллома Абу Али ибн Сино (980–1037) нинг илмий мероси биз учун бебаҳо хазинадир. У ўз умри давомида 450 дан ортиқ асарлар яратган. Унинг «Тиб қонунлари» номли 5 жилддан иборат китоби асрлар давомида Шарқ ва Европада тиббиёт бўйича асосий қўлланма бўлиб хизмат қилиб келмоқда.

Ибн Сино ёшлигида зўр меҳнат, изланиш, ғайрат билан илмларни ўрганишга киришган. У бу ҳақда шундай ёзади: «Уйкуга кетган вақтимда ҳам ўнгимдаги масалаларни кўрардим. Шу ҳолатда кўп масалалар тушимда менга аён бўларди... шу зайлда ҳамма илмларни мустаҳкам эгаллай олдим. Инсоннинг имконият даражасида эгаллайдиган билимни эгаллаб олдим. Аристотелнинг «Метафизика»сини «қирқ бир марта қайта ўқидим». У менга ҳатто ёд бўлиб ҳам қолди. Лекин шундай бўлишига қарамай, мен уни ва унинг мақсадларини тушуна олмасдим», – деб ёзади. Ибн Сино бу муаммони Форобийнинг Аристотель «Метафизика»сига ёзган шарҳини ўқиб ҳал этади.

Ибн Сино умрининг кўп қисмини сарсонликда ўтказишига қарамай, математика, астрономия, физика, кимё, биология, фармакология, психология, филология, фалсафа ва табобат соҳасида баракали ижод қилган мутафаккирдир. Унинг асарларидан 100 тачаси бизгача етиб келган.

Унинг фикрича, яхшилик доноликда, донолик эса ходисаларни билиш орқали қўлга киритилади.

Билим мутафаккир кишиларни дўстлик ва ҳақиқатга, дўстликнинг кадрига етишга чақиради. Инсон-

ни эса оламдаги мавжудотлар ичида энг буюк зот, деб қарайди. Шундай қилиб, Ибн Сино ўрта аср Шарқ ва Европа маданияти ва маърифати тараққиётига жуда катта таъсир кўрсатди.

IX–XII асрлар маънавияти ва маърифати ривожидан XI асрнинг кўзга кўринган шоири Юсуф Хос Ҳожиб ҳам катта ўрин тутди. Юсуф Хос Ҳожиб ўзининг ягона достони бўлмиш «Қутадғу билиг» («Бахтга элтувчи билим») билан машҳурдир. Бу асар 1069 йилда ёзилган бўлиб, уни шоир Қашқар ҳокими Сулаймон Арслон қорахонга бағишлаган. Шу асари учун унга Хос Ҳожиб, яъни буюк хоннинг махсус маслаҳатчиси унвони берилган. Достон қаҳрамонлари ҳоким – Кунтуғди адолат рамзи, вазир – Ойтўлди бахт рамзи сифатида, вазирнинг ўғли Ўгдулмиш ақл рамзи сифатида тасвирланади.

Мутафаккир инсон фақат жамиятда, бошқа кишилар билан мулоқотда ва фойдали меҳнатда чинакам камолга етади, деган ғояни илгари суради. Инсонга фойда келтирмайдиган инсон – ўликдир, деб таъкидлайди. Жамиятда меҳнат аҳли – деҳқонлар, чорвадорлар, хунармандлар ҳал қилувчи роль ўйнайди, деб уқтиради. Шунинг учун, Юсуф Хос Ҳожиб ҳокимга адолатли бўлиш, ўзбошимчалик ва қонунсизликка йўл қўймасликни маслаҳат беради.

Мутафаккир инсоннинг фикрича, одам кимлигидан қатъи назар инсон бўлиши лозим, чунки дунёда фақат инсонийликкина абадул-абад қолади. Шу сабабли ўз номини ҳамиша яхшилик билан эслашни истаган киши фақат яхшилик қилиши лозим. У шундай ёзади: «Кимнинг одоби яхши ва ахлоқи тўғри бўлса, у киши мақсадига етади ва бахт унга кулиб боқади», чунки «яхши ахлоқ жамики яхшиликларнинг заминидир».

Юсуф Хос Ҳожиб илм ва маърифатни жамиятнинг тараққиётига, гуллаб-яшнашига олиб келувчи куч деб

билиб, уларни эгаллашга даъват этади. У кишини зулмат ичидаги уйга, билимни эса ана шу уйни нурафшон этувчи машъалга ўхшатади. Шоир кишиларни сўзлаганда ўйлаб гапиришга чақиради. Сўзингга эҳтиёт бўл, бошинг кетмасин. Тилингга эҳтиёт бўл, тишинг синмасин. Маънодор сўз донолик аломати, бемаъни сўз маҳмаданагарчилик, ахмоқлик аломатидир. Шу боисдан одам кўпроқ кулок солиб, кам гапириши керак, дейди.

Шундай қилиб, XI асрда яшаб ижод қилган Юсуф Хос Ҳожиб «Кутадғу билиг» асарида маърифатпарварлик, юксак ахлоқийлик ғояларини илгари суради. Бу асар катта маънавий-маърифий ва тарбиявий аҳамиятга эга.

Биз ўрганаётган даврда ахлоқий-дидактик мавзуда асар яратиб шуҳрат қозонган шоир Аҳмад Югнакийдир. У XII аср охири ва XIII асрнинг биринчи ярмида яшаб ижод қилган. Ундан бизгача «Ҳибатул-хакойик» достони етиб келган. У ўз достонида дунёнинг бевафоллиги, ўткинчилиги ҳақида гапириб: «дунё гўё қарвон, факат озгина фурсат тўхтаб ўтиладиган работ (қарвонсарой)». Шу сабабли, деб таъкидлайди у, – бу дунёдаги роҳат-фароғатга интилиш бефойда, уни деб азобукубат чекишга арзимаиди, чунки «сен бугун кўриб турган бойлик эртага ғойиб бўлади, сен ўзимники деб билган буюмлар бошкаларга қолиб кетади. Шунинг учун фақат яхшилик уруғини сепиш учунгина яшаш керак, деб уқтиради. У билимли, маърифатли кишиларни етук кишилар деб ҳисоблайди. Фақат билимли кишигина камол топиши мумкинлигини таъкидлайди:

*Олим одам – қимматбаҳо динордир,*

*Нодон, жоҳил одам – қимматсиз сохта пулдир.*

Унинг фикрича, инсон олим бўлгандан кейингина улуғлик даражасига кўтарилади ва яхши ном қолдира-

ди. Билимсиз киши соғлом бўлса ҳам, у ўликдир, билим инсон учун битмас-туганмас мулкдир. Шоир, ахлоқ-одобдаги асосий нарса тилдир. Тил бахтиёрлик ва бахтсизликнинг сабабидир, дейди. Шу билан бирга, олим ҳалоллик ва ҳақгўйлик, сахийлик инсон учун фазилат, унга интилиш керак дея, хасислик ва бадфеълликни қоралайди.

Кишиларга яхши одамлардангина дўст орттиришни маслаҳат беради. Фақат яхши ишлар қилибгина яхши натижалар кутиш мумкин, чунки «... тикан экиб, ҳосилига узум олмайсан».

Хулоса шуки, IX–XII асрлар давомида Марказий Осиёда илм, фан, маърифат, маънавият юқори даражада ривожланди.

XVI–XIX асрларда Ўрта Осиё халқлари маънавий-маърифий тафаккур тараққиёти икки йўналишда борди. Биринчиси Ўрта Осиёнинг ўзида рўй берган бўлса, иккинчиси Ҳиндистонда Бобурийлар давридаги Ўрта Осиёлик мутафаккирларнинг ижодида намоён бўлди.

XVII асрнинг иккинчи ярми ва XVIII асрнинг бошларида Ўрта Осиёда маънавий-маърифий қараш ривожи Бобораҳим Машраб (1653–1711) номи билан чамбарчас боғлиқ. Машрабдан бой маънавий бадиий мерос қолган. Машраб ўша вақтда Яқин ва Ўрта Шарқ мамлакатларида тарқалган тасаввуфнинг каландарлик оқимига эътиқод қилиб, ўзининг исёнкорона шеърлари билан жамиятдаги адолатсизликка қарши кураш олиб боришга ҳаракат қилган. Ўз ғазалларида ахлоқий, маънавий покликка эришиш, ҳаётдаги салбий иллатларга қарши кураш ҳақида куйлайди.

У ўзи яшаётган давр ҳокимларидан адолатни кутади. Ҳатто, уларга мурожаат қилиб, халқ тўғрисида ғамхўрлик қилишни, уларнинг арз-додига қулоқ солишни сўрайди.

Машраб ўз ижодида хулқ-одоб масалаларига катта

эътибор бериб, одамларни ярамас хатти-ҳаракатлардан, такаббурлик ва ёлғон сўзлашдан сакланишга ундайди. Унинг маънавий-ахлокий дунёқарашида фарзанднинг ота-онани ҳурмат қилиши, уларни юксакликка кўтариш ғояси муҳим ўрин тутаети. Хусусан, фарзанддан отанинг рози бўлиши лозимлиги, акс ҳолда ёмон оқибатларга олиб келиши ҳақида ёзади. Машраб ижодидаги бундай ғояларнинг мустакил Ўзбекистон ёшларини маънавий камолга етказишда аҳамияти катта.

XVIII–XIX асрлар маънавияти ва маърифати ривожиде Турди, Хувайдо, Гулҳаний, Махмур, Нодира-бегим, Увайсий, Мунис Хоразмий, Оғаҳий, Феруз ва бошқаларнинг ўрни ҳам беқиёсдир.

Шундай қилиб, Ўрта Осиё халқларининг маънавий ва маърифий қарашларида халқимизнинг бой маънавий меросининг ажралмас қисми бўлган миллий ғоя муҳим вазифалардан саналади. Ўрта Осиё халқлари маънавий ва маърифий қарашларида инсон ва унинг фазилатлари, таълим-тарбия, ахлоқ муаммолари марказий ўринни эгаллаб келган. Унда комил инсон муаммоси ўзига хос равишда ўз ечимини топганлигини алоҳида қайд этиш лозим.

## МУСТАҚИЛЛИК ЙИЛЛАРИДА МАЪНАВИЯТ РИВОЖИ

Маънавият жамият тараққиёти, миллат камолоти ва шахс баркамоллигини белгилаб берувчи асосий мезонлардан бири ҳисобланади. Чунки, маънавият ривожлангандагина жамиятда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий барқарорлик вужудга келади ҳамда мамлакат ва миллат тараққий этади. Бу, ўз навбатида, шахснинг баркамол ривожланиши учун зарур бўлган замин бўлиб хизмат қилади. Буни чуқур ҳис қилган ва ўз қалбидан ўтказган Президентимиз мамлакатимиз ўз мустақиллигини қўлга киритгандан кейин она заминимизда демократик жамиятни қуришнинг назарий концепциясини ишлаб чиқар экан, иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуришни миллий-маънавий тикланиш билан уйғун ҳолатда бўлиши кераклигини ҳам илмий асослаб берди. «Ўзбекистоннинг ўз истиқлоли ва тараққиёт йўли» асарида мустақилликдан кейин Ўзбекистонни ривожлантиришнинг маънавий соҳасидаги стратегик вазифалари ҳам белгилаб олинган. Умуман, бу асар Ўзбекистонда янги жамият қуришнинг илмга асосланган дастури ҳисобланади. Чунки, унда иқтисодий ва ижтимоий-сиёсий ҳаётни қайта қуриш соҳасида илгари сурилган барча ғоялар ўтган даврда ўзининг ифодасини топди ва жамиятимиз тубдан янги босқичга кўтарилди.

Президентимизнинг кўпгина асарларида илгари сурилган концептуал ғояларни умумлаштирадиган бўлсак, улар қуйидаги йўналишларни ўз ичига олади:

– маънавий мерос ва диний кадриятларни чуқур ўзлаштириш, миллатимизнинг ўз-ўзини англашига эри-

шиш, миллий ғурур ва ифтихор туйғуларини изчиллик билан мустаҳкамлаш;

– мустақиллик шароитида миллий ғоя ва миллий мафқурани шакллантириш ҳамда уни халқимиз дунёқарашига айланишига эришиш;

– таълим тизимини ислоҳ қилиш, кадрлар тайёрлашнинг миллий дастурини амалга ошириш асосида баркамол авлодни шакллантириш, соғлом авлод дастурини амалга ошириш асосида жисмонан бақувват, руҳи, фикри соғлом, иймон-эътиқоди бутун, билимли, маънавияти юксак, мард ва жасур ватанпарвар авлодмизни шакллантириш;

– миллий-маънавий салоҳиятимизнинг жаҳон цивилизациясидаги ўрнини тиклаш ва бугунги кунда маънавият, маърифат, фан, техника, технология ютуқларини чуқур ўзлаштириш асосида ҳозирги замон умумжаҳон маънавияти тизими ривожига ҳисса қўшиш;

– ёшлар маънавиятини миллий истиқлол ғоялари билан бойитиб бориш, улар онгида мафқуравий иммунитетни кучайтириш;

инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий-маънавий салоҳиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш кабилардир.

Президентимиз: «Ота-боболаримизнинг асрлар давомида тўплаган ҳаётий тажрибалари, диний, ахлоқий, илмий қарашларини ўзида мужассам этган бу нодир қўлёмаларни жиддий ўрганиш даври келди»<sup>1</sup>, – деб таъкидлайди. Унинг «Ўзликни англаш тарихни билишдан бошланади. Инсон учун тарихдан жудо бўлиш ҳаётдан жудо бўлиш демакдир»<sup>2</sup>, – деган ғояларида ҳар

---

<sup>1</sup> **Ислом Каримов.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. – Т.: «Шарқ», 1998, 3–4-б.

<sup>2</sup> **Ислом Каримов.** Ўша манба, 10-б.



бир ватандошимизнинг, айникса, ёшларимизнинг маънавий меросимизни чуқур ўрганиш зарурлиги миллий маънавий тикланишимизнинг бош вазифаси эканлигини тушуниб етишга қаратилгандир.

Ислом Каримов миллий мафқуранинг миллий маънавий тикланиш ва мамлакатимизда демократик жамият қуришдаги аҳамияти ва ролини илмий асослашга катта эътибор қаратади.

Миллий мафқура-миллатни бирлаштиради, мафқурасиз одам, жамият, давлат ўз йўлини йўқотади.

Президентимиз, ўз навбатида, миллий гоёнинг вазифаларини аниқ белгилаб беради: «... миллий гоё, биринчи навбатда, ёш авлодимизни ватанпарварлик, эл-юртга садоқат руҳида тарбиялаш уларнинг қалбига инсонпарварлик ва одамийлик фазилатларини пайванд қилишлик олийжаноб ишларимизда мададкор бўлиши зарур»<sup>1</sup>.

Президентимизнинг миллий-маънавий тикланишни амалга оширишга хизмат қилувчи яна бир концептуал гоёси соғлом авлодни тарбиялаб вояга етказиш заруритини илмий асосланганлигидир. Унинг соғлом авлод концепциясида шахснинг жисмонан, руҳан бақувват бўлиши, юксак билим, маънавият, тафаккур ва фидойи ватанпарвар бўлиши каби талабларга жавоб берадиган авлод назарда тутилади. Шунинг учун ҳам у «...фарзандлари соғлом юрт қудратли бўлур»<sup>2</sup>, – деган гоёни илгари суради.

Миллий-маънавий тикланишимизда ёшларимиз маънавиятини юксак даражага кўтариш, уларнинг ҳозирги замон фан, техника ва технология ютуқларини чуқур ўзлаштиришлари катта омил экани Президентимиз томонидан илмий асосланган.

---

<sup>1</sup> **Ислом Каримов.** Тарихий хотирасиз келажак йўқ. –Т.: «Шарқ», 1998, 15-б.

<sup>2</sup> **Ислом Каримов.** Ўзбекистон буюк келажак сари. –Т.: «Ўзбекистон», 1998, 18-б.

Президентимиз ишлаб чиққан миллий-маънавий тикланиш концепциясида инсониятнинг асрлар давомида яратган ва умумжаҳон мулкига айланган барча бойликларини миллий маънавиятимизнинг ажралмас қисмига айлантириш ҳам асосий ўринни эгаллайди. Жумладан, у «Фидокор» газетаси мухбирига берган жавобларида дунё халқлари маънавий мулкига айланган файласуфларнинг асарлари ҳалигача ўзбек тилида ёшларимизга етиб бормаганлигини қаттиқ танқид қилиб шундай таъкидлайди: «Дунё тан олган кўп улуғ файласуфларнинг асарлари ханузгача ўзбек тилида нашр этилмагани туфайли аксарият зиёлилар, хусусан, ёшларимиз уларнинг ғоявий қарашлари билан яхши таниш эмас. Сукрот ва Платон, Ницше ва Фрейд каби олимларнинг ҳозирги замон чет эл файласуфларининг китобларини ҳам тушунарли қилиб, изоҳ ва шарҳлар билан ўзбек тилида чоп этиш наҳотки мумкин бўлмаса?»<sup>1</sup>. Кўришиб турибдики, Президентимиз миллий-маънавий ривожланишимизни жаҳон халқларининг илгор маънавият тафаккури тараққиёти билан уйғун равишда ривожлантириш вазифасини кун тартибига қўймоқда.

Президентимиз томонидан ишлаб чиқилган миллий-маънавий тикланишнинг илмий-назарий концепцияси жуда катта амалий аҳамиятга эгадир. Бу мустақиллик йилларида маънавий тараққиётимизда қўлга киритилган ютуқлар мисолида ўз тасдиғини топди.

Миллий-маънавий тикланишимиз борасида Президентимиз томонидан амалга оширилган назарий ва амалий ишлар алоҳида аҳамият касб этади:

---

<sup>1</sup> **Ислом Каримов.** Миллий истиқлол мафқураси – халқ этикоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 34–35-б.

а) миллий-маънавий тикланишимизнинг илмий-назарий концепциясини ишлаб чиққанлиги ва истиқболда маънавий тараққиётимизнинг XXI асрдаги вазифаларини белгилаб берганлиги;

б) миллий-маънавий тикланишнинг мамлакатимизнинг тоталитаризмдан демократик жамиятга ўтиш шароитидаги ўзига хос хусусиятларини илмий асослаб берганлиги ва унинг факат миллий, ижтимоий-маънавий тафаккуримизда эмас, шунинг билан бирга умумижтимоий-фалсафий тафаккур тараққиётида янги йўналиш бошлаб берганлиги.

Маънавият доимо ҳар бир шахснинг, бутун жамиятнинг эътикод ва қадриятларига айланган ғоялари, меъёрлари ва омилларидандир. Маънавият халқимизнинг бой маданий меросида қадимдан шаклланиб келган урф-одатлари ва анъаналарида ўз ифодасини топади.

Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириб ишга хизмат қиладиган фазилатларни шакллантириб бериш билан бирга турли ижтимоий гуруҳлар, табақалар ўртасидаги ҳамкорликни, миллатлараро тотувликни ва умумтараққиёт йўлидаги жипслашувни таъминлаб беради. Миллий ғоя Ўзбекистонда истиқомат қилаётган барча халқларнинг тилидан, эътикодидан жинсидан қатъий назар барча Ўзбекистонликларнинг манфаатларини ифодалай билиши керак. Миллий ғоя ҳар бир шахснинг ўзлигини эркин намоён этишга, маънавий камолотга эришиш йўлида хизмат қилиши лозим. Миллий ғоя жамиятнинг маънавий ҳаётини юксалтиришга тўсиқ бўлувчи турли иллатларнинг олдини олишда катта аҳамиятга эгадир. Миллий ғоянинг жамият ҳаётини юксалтиришга хизмат қиладиган етук авлодни тарбиялаб беришдаги ўрни ҳам бениҳоя каттадир. Шунинг учун ҳам миллий ғоянинг асосий ва-

зифаларидан бири баркамол авлодни, комил инсонни тарбиялашдир<sup>1</sup>.

Миллий ғоя жамиятнинг ҳар бир аъзосини ёвуз ғоялар таъсирига тушиб қолишдан асраб қолиш билан бирга уларни соғлом фикрлашга ўз халки ва Ватани равнақи йўлида вояга етишида ўргатади. Бугунги кунда жамият аъзоларини, айниқса, Ўзбекистоннинг келажаги бўлган ёшларнинг онги ва қалбини заҳарлашга интилаётган, жамиятимизнинг маънавий ҳаётини парокандалик ҳолатига туширишга ҳаракат қилаётган маънавий таҳдидлар мавжуддир. Мана шундай маънавий таҳдидларнинг олдини олишда Миллий ғоя катта роль ўйнайди. Маънавий ҳаётнинг юксалиб боришига тўсиқ бўлувчи маънавий таҳдидлар тўғрисида гапириб Президентимиз яна шундай фикрларни илгари суради: «Бугунги кунда дунёнинг айрим ҳудудларида ана шундай ҳаракатлар натижасида катта маънавий йўқотишлар юз бераётгани, миллатнинг асрий қадриятлари, миллий тафаккури ва турмуш тарзи издан чиқаётгани, ахлоқ-одоб, оила ва жамият ҳаёти, онгли яшаш тарзи жиддий хавф остида қолаётганини кузатиш мумкин.

Энг ёмони, бундай хуружларнинг пировард оқибати одамни ўзи туғилиб ўсган юрти ва халқидан топишга, ватанпарварлик туйғуларидан маҳрум этишга ва ҳамма нарсага лоқайд бўлган шахсга айлантиришга қаратилганида намоён бўлмоқда»<sup>2</sup>.

Маънавий таҳдидларнинг олдини олишда, юксак маънавиятга эришиш йўлида миллий ғоянинг тутаётган ўрнини ва бажараётган вазифаларини қуйидагиларда кўриб ўтсак бўлади.

---

<sup>1</sup> **Ислом Каримов.** Миллий истиклол мафкуриси – халқ эътиқоди ва буюк келажакка ишончдир. – Т.: «Ўзбекистон», 2000, 34-б.

<sup>2</sup> Баркамол авлод – Ўзбекистон таракқиётининг пойдевори – Т.: «Ўзбекистон», 1999, 12–13-б.

– Жамият аъзоларининг дунёкарашларини бойитиш, уларга чуқур билим бериш, тафаккур эркинлигини шакллантириб бериш;

– Ўзбекистоннинг ҳар бир фуқаросини Олий мақсадларга элтувчи тараққиёт моделини асослаш, юксалиш сари интилиб бораётган жамиятимизда маънавий шахс қандай бўлишини ҳам мантиқий, ҳам назарий жиҳатдан асослаб бериш;

– Миллий ғоя маънавий ҳаётни юксалтириш йўлида тарбиявий вазифаларни ҳам бажариб бориб, у жамият аъзоларида ахлоқий, ҳуқуқий ва эстетик меъёрларни юксалтириб боришни таъминлаб беради.

– Миллий ғоя миллий жипсликни таъминлаб бериш билан бирга ҳар бир миллатнинг маданий манфаатларини ҳам ҳимоя қилади.

Таъкидлаш жоизки, ўтмиш аجدодларимизнинг бой маънавий меросини ёшлар онгига сингдириш ва улардан ўрнак олиш бугунги кунда муҳим аҳамият касб этади.

## ХУЛОСА

Тарихдан маълумки, ер юзида дастлабки одамзод пайдо бўлиб, унинг уруғ, қабила жамоа ёки халқ сифатида шаклланиши рўй берган дастлабки даврлардаёқ уларни бирлаштириб турадиган умумий ғоя ва мафкурага эҳтиёж туғилган. Президентимиз таъкидлаганидек: «Чунки, мафкура – жамиятда яшайдиган одамларнинг ҳаёт мазмунини, уларнинг интилишларини ўзида мужассамлаштиради». Дарҳақиқат, барча даврларда ҳар бир давлат, халқ, инсон ва жамиятнинг ўзига хос ғояси ва мафкураси бўлган. Чунки, инсоннинг, жамиятнинг, халқнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади уни амалга оширишда жамият аҳлини бирлаштирадиган, сафарбарликка ундайдиган ғояси ва мафкураси бўлма-са у муқаррар равишда ҳалокатга маҳкум бўлади.

Ғоя ва мафкура инсон ва жамиятнинг ўз олдига қўйган аниқ мақсади бўлиб бусиз жамият ўз йўлини йўқотади. «Мақсад дегани, – деб ёзган эди Ислом Каримов, – халқни, миллатни бирлаштирувчи, йўлга бошловчи бамисоли бир байроқ. Бу байроқ бутун Ўзбекистон халқининг руҳини, ғурур-ифтихорини, керак бўлса кудратини, орзу-интилишларини мужассамлаштирадиган улуғ кучдир. Давлатимизнинг, халқимизнинг, эл-юртимизнинг мақсади ўзининг улуғворлиги, ҳаётийлиги ва ҳаққонийлиги билан ҳаммамизни жалб этадиган бўлмоғи лозим. Токи, бу мақсад халқни-халқ, миллатни-миллат қила билсин, қўлимизда енгилмас бир кучга айлансин».

Мафкуранинг ҳаётийлиги одамларнинг, миллатнинг, жамиятнинг миллий манфаатини, орзу-интилишларини қай даражада акс эттиришига, уларнинг турмуш тарзи, дунёқараши, табиатига қанчалик мос бўлиши билан

белгиланади. Шу сабабли ҳам мафкура барча даврларда жамиятни юксак ва бунёдкор мақсадлар томон бирлаштириб, жамият аҳли ўртасида соғлом муносабатларни шакллантирган. Эзгу орзулар, мақсад-муддаоларига эришишда маънавий-руҳий куч-қувват берадиган омил вазифасини бажариб келган. Шунинг учун ҳам ғоя ва мафкура барча инсонлар, халклар, жамият ва давлат олдида турган муҳим вазифаларни амалга оширишда ёрдам берадиган, турли соҳада фаолият юритадиган жамият аҳлини бирлаштириб, уларни умумий мақсад сари сафарбар этадиган буюк кучдир.

IX–XV асрлар Яқин ва ўрта Шарқ мамлакатларида шартли тарзда «Ренессанс» (уйғониш) даври деб аталади. Маънавият ва маърифатнинг ғоят гуллаб-яшнаши учун бу давр характерли бўлиб, қомусий илм эгалари, ажойиб шоирлар, буюк давлат арбоблари етишиб чиққан. Дунёвий фанларнинг тез суръатларда тараққий этиши кенг таржимонлик фаолиятига таъсир этган. Бу жараён, айниқса, ҳалифа Маъмун даврида (813–833 й.) Бағдодда «Байт ул-ҳикма» (Донолар уйи) ташкил этилган пайтда тезлашди. Юнон фалсафаси ва табобати, ҳинд ҳисоби, ал-химия ва илми нужумга оид асарлар араб тилига ўгирилди. Бунда Марказий Осиёдан етишиб чиққан мутафаккирлар, Хоразмий, Фарғоний, Форобий, Ибн Сино, Беруний каби мутафаккирлар ҳам катта роль ўйнадилар.

Ренессанс – уйғониш даври маданияти, маънавияти ва маърифати моҳият-эътибори билан дунёвий, гуманистик дунёқараши, антик давр маданий меросига мурожаат қилиш, бамисоли унинг «қайта уйғониши» (номи ҳам шундан) ни англатади. Уйғониш даври намоёндалари қарашлари инсоннинг чексиз имкониятларига, унинг иродасига, ақл-идроқига ишониши билан ажралиб туради.

## МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Халқ оғзаки ижоди – миллат маънавияти.....	5
Қомусий алломаларимиз меросининг ёшлар маънавиятига таъсири.....	11
Мустақиллик йилларида маънавият ривожига.....	22
Хулоса .....	29



Б. ИСРОИЛОВ, Г. МАШАРИПОВА

**АЖДОДЛАР МЕРОСИ ВА  
МАЪНАВИЙ ТАРБИЯ**

*Тошкент «Маънавият» 2015*

Мухаррир *О. Пардаев*  
Мусаввир *Ш. Соҳибов*  
Мусахҳиҳ *Ш. Ҳақимова*  
Компьютерда тайёрловчи *И. Аҳмедов*

Лицензия АІ №189, 10.05.2011 й. да берилган. Босишга 20.05.2015 й.да рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{32}$ , Таймс гарнитураси. Офсет босма усулида босилди. Шартли б. т. 1,68. Нашр т. 1,98. 1000 нусха.  
Буюртма № 15-58. Нархи шартнома асосида.

«Маънавият» нашриётида чоп этилди. 100047. Тошкент,  
Тараққиёт 2-берккўча, 2-уй. Шартнома 21–15.

ISBN 978-9943-04-247-6



9 789943 042476

*Manaviyat*